

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШМАТОВА ГУЛНОЗА АЪЛОЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҲУДУДЛАРИДАГИ БОЛАЛАРДА
БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАШҲИСОТ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ташматова Гулноза Аълоевна

Ўзбекистон саноат ҳудударидаги болаларда бронхиал
астманинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхисот
ва даволаш усуллари 3

Ташматова Гулноза Аълоевна

Клинико-патогенетические особенности, диагностика и
лечение бронхиальной астмы у детей, проживающих в
промышленных регионах Узбекистана 23

Tashmatova Gulnoza Aloyevna

Clinical and pathogenetic features, diagnosis and
treatment of bronchial asthma in children living in industrial
regions of Uzbekistan..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШМАТОВА ГУЛНОЗА АЪЛОЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҲУДУДЛАРИДАГИ БОЛАЛАРДА
БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАШХИСОТ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib633 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Халматова Барно Турлиходжаевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Федоскова Татьяна Германовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозон давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «5» НОЯБР соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 009 рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50

Диссертация автореферати 2020 йил «21» ОКТОБР куни тарқатилди.
(2020 йил «21» ОКТОБР даги 17 рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Д.И.Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда бронхиал астма (БА) касаллиги ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Дунёнинг зарarli худудларида БА билан 4% дан 8,2% гача аҳоли хасталанган бўлиб, катта ёшлилар популяциясида унинг учраши 5% атрофида бўлган, болалар популяциясида эса 5-12% гача ошаган. Бронхиал астманинг асосий симптомлари тарқалиши бўйича ишончли ҳамда таққосланадиган маълумотлар ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида касаллик кечиши оғирлиги бўйича баҳолаш ISAAC дастури жорий қилиниши муносабати билан олинган¹. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда аҳоли саломатлиги ва жамият фаровонлиги учун тобора кучайиб бораётган атмосфера ҳавосининг ифлосланишига қарши кураш алоҳида ўрин тутади». Шаҳарларда атроф-муҳитнинг зарarli моддалар билан ифлосланиши кўплаб сурункали касалликларнинг, аввало юрак-қон томир ва ўпка (сил, сурункали бронхит, пневмония, ўпка саратони, бронхиал астма), асаб ва иммун тизим касалликлари ва ҳк. оғирлашишига олиб келади².

Жаҳонда саноат худудларида яшовчи БА билан хасталанган болаларда клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхисот ва даволашни асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли ноқулай ташқи омиллар кўшма таъсири шароитида яшовчи болалар учраш сонини аниқлаш, БА клиник кўринишлари ҳамда ташқи муҳит ноқулай омиллари биргаликдаги таъсири ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш зарур. Айниқса, БА генезида лейкотриен рецепторларининг ролини аниқлаш, асосий хавф омиллари прогностик аҳамиятини баҳолаш ҳамда ноқулай омиллари биргаликдаги таъсири шароитида яшовчи болаларда БА ташхисот ҳамда даволаш усуллари қулайлаштириш жуда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аллергия касалликларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ 5590–сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самардорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида аллергия касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий

¹The International Study of Asthma and Allergies in Childhood (ISAAC) phase three: a global synthesis / J. Mallol, J. Crane, C. von Mutius [et al.] // *Allergologia et immunopathologia*. – 2013. – Vol. 41, № 2. – P. 73-85.

² Голиков Р.А. и др. Влияние загрязнения окружающей среды на здоровье населения // *Научное обозрение. Медицинские науки*. – 2017. – № 5 – С. 20-31

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларни камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 майдаги ПҚ–3715–сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўп сонли клиник тадқиқотлар маълумотларига кўра, нафас аъзолари ичида энг кўп тарқалган сурункали аллергия касаллик бўлган БА нинг юқори учраш даражаси кузатилмоқда. БА кўп сонли клиник фенотиплари бир-биридан сезиларли фарқ қилувчи гетероген касаллик эканлиги маълум. Шу билан бирга кўрсатилишича, даволаш самарадорлиги тўғридан-тўғри патогенези етакчи симптомига боғлиқ ва БА турли шакллари даволаш усулини танлашга дифференцирланган ёндошувни талаб қилади (GINA, 2015, 2018).

БА дебюти кўпинча болалик даврига тўғри келади (Выхристенко Л.Р., 2016; Василевский И.В., Скепьян Е.Н., 2017). Қатор олимларнинг тадқиқотлари кўрсатишича, БА экологияга боғлиқ касаллик бўлиб (Чучалин А.Г., 2004; Мизерницкий Ю.Л., 2008), унинг ривожланишида ташқи муҳит омилларининг роли катта (Демидова С.В., 2012, Веремчук Л.В., 2014, Guarnieri M., 2014, Bouzigon E., 2015, Toscala E., 2015). Аҳоли, жумладан, болалар орасида кейинги икки ўн йилликда кузатилган аллергия касалликларнинг тарқалиши ўсишини аксарият тадқиқотчилар ташқи муҳит (атмосфера ҳавоси, сув, тупрқнинг кимёвий бирикмалар билан) ифлосланиши билан боғлайдилар (Федько Н.А., Джанибекова А.С., 2014; Смирнова С.В., Таптыгина Е.В., 2017; Duda L., 2019).

Баъзи муаллифларнинг фикрича, БА да патологик жараённинг сурункали тус олиши беморлар ҳаёт сифатининг ёмонлашишига, уларнинг фаоллиги пасайишига, ногиронлик ва ўлимга олиб келади (Fal A.M., Корес А., 2010). Шунга қарамай, чала туғилган болаларда БА кечиши клиник-функционал ўзига хослиги аниқланган, ушбу тоифа беморлари учун профилактика дастури аниқланган (Юрова И.Ю., 2012). Маҳаллий ва

тизимли даражада турли хил оғирликдаги БА бўлган болаларда туғма иммунитет хусусиятларини ўрганишга оид далиллар мавжуд (Брагвадзе Б.Г., 2018); катталарда аллергик ринит, БА аллергик шаклида LT дар роли кўпроқ ўрганилган (Выхристенко Л.Р., 2015; Ненашева Н.М., 2017; Brozek J.L., 2010; Fal, A.M., 2010), ammo бу масала болаларда БА да ёритилмаган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда БА патогенези ва даволаш усулларини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, углевод алмашинуви бузилишлари шаклланишини олдини олишга қаратилган БА ни даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилган (Ливерко И.В., 2007); ўсмирларда БА патогенези иммунологик ва генетик механизмлари ўрганилган ва шу асосда рационал ташхислаш ва даволаш-профилактика чораларининг режаси ишлаб чиқилган (Зиядуллаев Ш.Х., 2014); БА клиник кечишига эндотелий тизими ҳолатини, бир қатор иммунологик кўрсаткичлар ва махсус бўлмаган иммунитет омилларининг таъсирини ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини умумлаштирган ҳолда баҳолаб, касалликнинг патогенетик давосини фармакологик такомиллаштирилган (Базарова С.А., 2016); нафас аъзолари касалликлари, аллергик ринит, БА ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигини даволашда қўлланилаётган дори воситаларини фармакоиктисодий баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва касалликларни даволашда қўлланадиган дори воситалари билан таъминлашда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Суюнов Н.Д., 2017); болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятлари очиб берилган (Хайдарова М.М., 2018); БА билан касалланган болаларда метаболик синдромнинг учраш даражаси, ривожланиш хавф омиллари, ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашишни ишлаб чиқиш учун унинг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқланган (Азизова Н.Д., 2019).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг 01.1800231 илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Болаларда бронх-ўпка ва аллергик касалликларнинг хусусиятларини экологик омилларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш ва ташхисот ва даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзусида (2018-2022) олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташқи муҳит ноқулай омиллари таъсири шароитида яшовчи болаларда БА клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш ва ташхисот, даволаш ва профилактикасини қулайлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ноқулай ташқи омилларнинг биргаликда таъсир қилиш шароитида яшайдиган болаларда БА учраш сонини аниқлаш;

БА клиник кўринишлари ҳамда ноқулай ташқи омилларнинг биргаликда таъсир қилиш даражаси орасидаги боғлиқликни исботлаш;

Тошкент вилояти ишлаб чиқариш ҳудудларида яшовчи болаларда БА келиб чиқишида лейкотриен рецепторларининг ролини ўрнатиш;

ноқулай ташқи омилларнинг биргаликда таъсир қилиш шароитида яшайдиган БА билан касалланган болаларда асосий хавф омилларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш ва профилактик чоралар ишлаб чиқиш;

ноқулай ташқи омилларнинг биргаликда таъсир қилиш шароитида яшайдиган БА билан касалланган болаларда ташхисот ва даволаш усуллари қулайлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2-14 ёшдаги 220 нафар БА енгил кечиши билан Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи болалар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети – болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичларни аниқлаш учун веноз қон зардоби, Cys-LT C4D4E4 миқдорини аниқлаш учун беморлар пешоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, клиник-лаборатор, функционал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ISAAC модификацияланган эпидемиологик текширув усулини қўллаган ҳолда Тошкент вилоятининг саноат ҳудудларида яшовчи болалар орасида БА симптомлари тарқалишини икки босқичли стандартлаштирилган текшируви амалга оширилган;

БА билан касалланиш ошишига олиб келувчи юқори антропоген юклама биргаликдаги ноқулай таъсири исботланган;

БА нинг клиник кўринишлари ҳамда ташқи муҳит ноқулай омиллари биргаликдаги таъсири даражаси орасидаги бевосита корреляцион боғланиш ҳамда периферик қондаги эозинофиллар, IgE ва Cys-LT орасида манфий корреляция исботланган;

илк бор саноат ҳудудларида яшовчи болалар орасида БА патогенезида лейкотриен механизм қатнашиши ва C4D4E4 миқдори камайиши даволаш динамикасида прогностик аҳамиятга эгаллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

амалий тиббиётда мақсади болаларда БА эрта ташхисоти бўлган ISAAC модификацияланган сўровномасини қўллаш таклиф қилинган. Аниқланган хавф омиллари БА ривожланиши хавфи бўлган болаларни эрта босқичда аниқлашга имконини берган;

БА билан касалланиш ошишига олиб келувчи юқори антропоген юкламанинг биргаликдаги ноқулай таъсири аниқланган;

C4D4E4 ни диагностик ёндашув сифатида ва саноат ҳудудларида яшовчи болалар орасида БА ни даволаш динамикасида прогностик маркер сифатида аниқлаш тавсия қилинган;

БА нинг клиник кўринишлари ҳамда ташқи муҳит ноқулай омиллари биргаликдаги таъсири даражаси орасидаги бевосита корреляцион боғланиш намоиши қилинган ҳамда периферик қондаги эозинофиллар, IgE ва Cys-LT ни аниқлаш амалиётга тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган текширувлар тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, амалий тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги,

олинган маълумотларни замонавий эпидемиологик, клиник-лаборатор, функционал ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, саноат минтақаларида яшайдиган болаларда БА нинг тарқалиши бўйича маълумотлар аллергология ва педиатрия соҳасидаги илмий изланишларни такомиллаштириш учун болаларда БА нинг прогностик белгиларини ўрганишга етарли ҳисса қўшишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ISAAC халқаро дастури бўйича модификацияланган сўровнома ўтказиш БА билан болаларнинг эрта ташхисотига ва диспансер назоратига олишга имкон берган, ташқи муҳит ноқулай омилларининг биргаликдаги таъсирини ўрганиш саноат ривожланган ҳудудларда БА нинг ривожланишида антропоген юкларнинг ролини аниқлашга ҳисса қўшган ҳамда болаларда кўпроқ самарали профилактикани ишлаб чиқишга имкон берган. БА билан хасталанган болаларда қўшимча текширув сифатида лейкотриен рецепторларини аниқлаш ноинвазив усули кўриб чиқилаётган патологиянинг ташхисотини кенгайтиришга ва антилейкотриен препаратларини мақсадга мувофиқ буюришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат ҳудудларидаги болаларда бронхиал астманинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхисот ва даволаш усуллари ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болалардаги бронхиал астманинг тарқалганлиги ва хавф омиллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 8н-р/83-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсияномаси БА билан хасталанган болаларни эрта ташхисоти ва диспансер назоратига олиш, мактабгача тарбия ва таълим муассасаларида сўровнома ўрдамида скрининг текширув дастурига ушбу усулни жорий қилишга имкон берган;

«Эрта ёшдаги болаларда бронхиал астмани ташхислаш ва даволаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 8н-р/179-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома ташхисот усуллари такомиллаштириш ва болаларда БА даволаш тактикасини қулайлаштириш имконини берган;

Саноат ҳудудларидаги болаларда бронхиал астманинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхисот ва даволаш усуллари ўрганиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 1- клиникаси, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли марказ болалар аллергология бўлими фаолиятига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги №8н-д/311-сон хулосаси). Жорий қилинган натижалар бронхиал астманинг ривожланишини аниқ прогноз қилишга, асоратлар сонини пасайишига, касаллик ривожланишини олдини олишга ва ремиссия вақтини узайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда бронхиал астманинг ташхисоти ва даволаш замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиёт манбаларининг аналитик шарҳи келтирилган, болаларда БА муаммларининг замонавий тасаввурлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган. Алоҳида қисмида болаларда БА ташхисоти ва даволаш замонавий жиҳатлари таҳлили келтирилган ҳамда ушбу муаммонинг ечилмаган ва аниқлаштиришни талаб қилувчи жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи боби ушбу тадқиқотда фойдаланилган материал ва усуллар бўйича маълумотлар ўз ичига олган, 2 дан 14 ёшгача 220 боланинг комплекс текшируви маълумотлари келтирилган. Тадқиқотда клиник-иммунологик, биокимёвий, лаборатор ва функционал усуллари қўлланилган ҳамда динамикада лейкотриен кўрсаткичлари текширувлари амалга оширилган. Барча қўлланилган усуллар замонавий, синалган ва умум қабул қилинган. Болаларда БА ни ўрганиш бўйича тадқиқот мақсад ва вазифаларига мос равишда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими 2014-2017 йй. учун расмий тиббий статистика маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотда қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 8800 болани икки босқичли текшируви амалга оширилган (улардан 4688 ўғил бола ва 4112 қиз

бола), улар уч ёш гуруҳларига бўлинган: биринчи гуруҳ (2300 бола, улардан: 1050 ўғил бола ва 1250 қиз бола) 5 ёшгача болаларни ўз ичига олган, иккинчи гуруҳ (2920 бола, улардан: 1636 ўғил бола ва 1284 қиз бола) - 7-8 ёшдаги болалар ва учинчи гуруҳ (3580 бола, улардан: 1860 ўғил бола ва 1720 қиз бола) - 13-14 ёшдаги болалар. Тошкент вилояти саноат ҳудудлари (Ангрен, ОЛмалик, Чирчиқ) да яшовчиболаларда БАривожланиши тарқалиши ва хавф омиллари ўрганилган. Тошкент вилояти уч ҳудудида тадқиқот ўтказиш учун асос бўлиб, бу ҳудудларда бир неча ишлаб чиқариш объектлари жойлашган. Таққослаш учун Тошкент вилоятидаги экологик анча қулай ҳудуд (Қибрай)да яшовчи болалар орасида сўровнома ўтказилган. Бу босқичда кейинчалик кузатув учун БА беморлари танлови амалга оширилган.

II – босқич сўровномада кўпроқ ижобий жавоб берган болаларни текшируви. 1878 ижобий жавоб берган болалар танлаб олинган, улардан 919 и БА симптомларига хос ижобий жавоб берган.

БА нинг хавф омилларини ва клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида 919 болала қўшимча тадқиқотлар олиб борилди, улар аллергоанамнезни синчковлаб йиғишни ўз ичига олди. Бу болалар орасидан 220 нафар БА нинг интермитирловчи ва енгил персистирловчи шакллари бўлган болалар кейинчалик лаборатор-инструментал текширувлар учун танлаб олинди.

Болалар қонини иммунологик текширувини ТТА МИТЛ лабораториясида амалга оширилган. Қонда умумий IgE (МЕ/мл) миқдорини иммунохемилюминисцент усул ёрдамида COBAS E 411 ускунасида (ушбу кўрсаткич меъёри 0 дан 100 МЕ/млгача) аниқланган. Қон зардобида аллерген махсус IgE (МЕ/мл)ни қаттиқ фазада ИФА усули билан С.А.Р. L.A. System (Россия) реагентларидан фойдаланиб, аниқланган.

Суммар лейкотриенлар (C₄D₄E₄)ни пешобда ИФА усули билан келтирилган йўриқномага мувофиқ аниқланди. C₄D₄E₄ leukotriene» Neogen (Россия) тест тўпламидан фойдаланилган.

Нафас чиқариш авжий тезлиги кўрсаткичларининг эрталабки ва кечки пикфлоуметрик мониторинги (пикфлоуметр «Omron», Германия) унинг вариабеллигига баҳо бериш мақсадида ўтказилган, унинг қиймати 20% дан юқори бўлиши бронхиал гиперреактилик мавжудлигидан далолат берган.

Натижаларга статистик баҳо Windows XP операцион тизимида Microsoft Excel стандарт дастуридан фойдаланиб ўртача арифметик (M) ни ҳисоблаш билан статистик функциялар тўплами ёрдамида ўтказилди. Бунда клиник ва лаборатор текширувлар маълумотларига статистик ишлов беришда мавжуд кўрсатмаларга амал қилинган. Ўртача арифметик фарқни баҳолаш Стъюдент мезонини қўллаш ёрдамида амалга оширилган. P<0,05 да фарқлар статистик аҳамиятли деб ҳисобланди. Корреляцион таҳлил Пирсон усули ёрдамида амалга оширилган. >+0,5 <-0,5 корреляция мусбат деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи болаларда бронхиал астманинг тарқалиши ва хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи

болаларда бронхиал астманинг тарқалиши тадқиқоти натижалари келтирилган.

Болалар аҳолиси орасида БА асосий симптомларининг ривожланиши ва тарқалишига ташқи муҳит аэроген ифлослантирувчилари таъсирини баҳолаш учун Тошкент вилояти танланди. Сўровномада Тошкент вилояти тўрт худуди (Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай тумани) даги 19 ўрта мактабдан ўқувчилар қатнашган. 63 та стационар постидан олинган маълумотлар атмосфера ҳавосининг республика бўйлаб ўртача ифлосланиш даражаси ҳақида маълумот олишга ва йилига шаҳарлар ҳавоси ифлосланиш даражасининг интеграл тавсифини берувчи атмосфера ҳавоси ифлосланиши индексини (АИИ) ҳисоблашга имкон берган.

Атмосфера ҳавоси комплекс ифлосланиши индекси (АҲИ5) хавфлилик синфини эътиборга олиб йўл қўйилган концентрация (ЙҚК) нинг энг катта меъёрланган миқдорлари билан беш модда бўйича ҳисобланган.

Маълумотлар таҳлили кўрсатишича, текширилган муддатда атмосфера ҳавоси ифлосланиши Тошкент вилоятининг барча ўрганилган худудларида, айниқса, Ангрен шаҳрида юқори бўлган. Комплекс ифлосланиш кўрсаткичи 2014 йилда 5,12 га, 2016 йилда 5,32 га, 2017 йилда 5,30 га тенг бўлган, бу II даражага, яъни атмосфера ифлосланиши юқори даражасига мос келган, бу эса аҳоли яшаш шароитининг ёмонлашувига олиб келади (1-жадвал).

Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан атмосфера ҳавосининг асосий ишлаб чиқариш ифлослантирувчилари: азот оксиди, олтингугурт диоксиди (SO_2 олтингугурт газиди), углерод оксиди (ис газиди CO), азот диоксиди (NO_2), чанг (каттиқ фазали муаллақ моддалар) ҳамда махсус ифлослантирувчилар — аммиак, феноллар, оғир металллар, сероводород, органик эритувчилар ва бошқалар мониторинги ўтказилган.

1-жадвал

Тошкент вилояти шаҳарлари бўйича охириги 5 йил ичида атмосфера ифлосланиш индекси (АИИ) кўрсаткичлари

Шаҳар	Ингредиентлар	АИИ			
		2014	2015	2016	2017
Олмалик	Углерод оксиди, олтингугурт диоксиди, азот диоксиди, аммиак, муаллақ моддалар (АГМК, ПО Аммофос)	4,10	4,0	4,12	4,23
Ангрен	Фенол, аммиак, углерод оксиди, азот диоксиди, муаллақ моддалар (Ўзқурилиш материаллари)	5,12*	4,71*	5,32*	5,30*
Чирчиқ	Аммиак, фенол, азот диоксиди, муаллақ моддалар, углерод оксиди (Узхимпром, РО «Спецсплав»), Узбекнефтегаз, УзэЛТехсаноат	2,95	3,61	3,61	3,41

Изоҳ: *– худудлар солиштирилганда $p < 0,05$.

2014-2018 йилларда расмий статистика маълумотларига кўра, Тошкент вилоятидаги саноат худудларида яшовчи болалар орасида атопик патология билан касалланиш даражаси кўтарилиши қайд этилган. Кейинги йилларда болалар орасида аллергик касалланиш кўрсаткичлари турғунлашишига қарамай, уларнинг умумий йўналиши ўсиш тенденциясига эга. Масалан, агар 2014 йилда болалар орасида БА 1,2% ҳолатда қайд этилган бўлса, 2018 йилга келиб деярли 3 марта ошган ва 3,7% ни ташкил этган.

Тошкент вилояти мактаб ўқувчиларида БА тарқалишини ўрганиш болаларни бир муддатда ялпи текшириш йўли билан амалга оширилган:

- Ангрен шаҳрида яшовчи болалар (5 ёшгача n=630, 7-8 ёш n=650, 13-14 ёш n=850);

- Олмалик шаҳрида яшовчи болалар (5 ёшгача n=620, 7-8 ёш n=630, в возрасте 13-14 ёш n=880);

- Чирчиқ шаҳрида яшовчи болалар (5 ёшгача n=600, 7-8 ёш n=670, в возрасте 13-14 ёш n=820);

- Қибрай туманида яшовчи болалар (5 ёшгача n=450, 7-8 ёш n=470, 13-14 ёш n=530).

2-жадвал

Мактаб ўқувчиларида сўровнома бўйича БА тарқалиши (%)

Касаллик симптомлари	Мактаб ўқувчилари		жаъми n=919
	7-8 ёш n=397	13-14 ёш n=522	
Симптомлар сони			
Қачондир хуштаксимон нафас	16,1	22,03	19,5
Охирги йилда хуштаксимон нафас	5,58	9,8	7,94
Хуштаксимон нафас хуружлари сони:			
1 дан 3 гача	3,31	7,1	5,44
4 дан 12 гача	0,76	1,5	1,2
12 дан кўп	0,25	0,57	0,44
Хуштаксимон нафас туфайли тунги уйқу бузилиши	9,32	2,9	5,65
Бўғиқ хуштаксимон нафас туфайли нутқ бузилиши	0,75	0,57	0,65
Жисмоний юкламада хансираш мавжудлиги	8,1	12,45	10,55
Қуруқ, шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги йўтал мавжудлиги	13,35	12,64	7,39
Қачондир ташхисланган БА	1,25	3,06	2,28

Текширув I босқичидан кейин сўровномада кўп сонли ижобий жавоблар (БА, АР, АД) билан 1878 (34,1%) нафар бронхиал астмага гумон қилинган мактаб ёшидаги 919 (48,9%) болалар танлаб олинган.

Текширилган болаларнинг анамнези ўрганилганда 7-8 ёшдаги болларда хуштаксимон нафас қачондир 16,1% ҳолатда учраганини кўрсатди (2-жадвал). 13-14 ёшда ушбу кўрсаткич 1,4 марта юқори бўлган ($p < 0,05$).

Кейинчалик ёшга қараб қиёсий таҳлил ўтказилган. Биринчи гуруҳни 7-8 ёшдаги болалар ташкил қилди. Ушбу ёш гуруҳида сўровномада 2420 ота-она қатнашди, улардан 80 сўровнома нотўғри деб тан олинган. 2340 сўровномадан 417 бола (16,4%) да БА шубҳа қилинди. Назорат гуруҳини экологик анча қулай бўлган ҳудуд (Қибрай) да яшовчи болалар ташкил этган (3-жадвал).

Кейинги ёш гуруҳи 13-14 ёшдаги болалар бўлди. Ушбу гуруҳда сўровномада 3080 мактаб ўқувчиси қатнашди. Улардан 502 (16,3%) болада БА симптомларига нисбатан ижобий жавоблар бўлган.

Тошкент вилояти мактаб ўқувчиларида БА асосий симптомлари тарқалишини ўрганиш бўйича олинган натижалар болалар аҳолиси орасида ушбу касаллик сезиларли тарқалишидан далолат берган.

3-жадвал

Ҳудудга боғлиқ модификацияланган сўровнома маълумотлари бўйича 7-8 ёшдаги болаларда симптомлар сони, (%да)

Касаллик симптомлари	Болалар умумий сони n=417			
	Ангрэн n=140	Олмалиқ n=130	Чирчиқ n=127	Қибрай n=20
Симптомлар сони				
Қачондир хуштаксимон нафас	33,5	31,17	30,4	4,8
Охирги йилда хуштаксимон нафас	31,17	30,6	28,8	4,3
Хуштаксимон нафас хуружлари сони:				
1 дан 3 гача	23,5	23,3	23,2	3,8
4 дан 12 гача	8,8	6,23	7,4	-
12 дан кўп	1,2	1,67	1,2	-
Хуштаксимон нафас туфайли тунги уйқу бузилиши	23,0	25,4	21,1	2,9
Бўғиқ хуштаксимон нафас туфайли нутқ бузилиши	20,6	22,5	18,5	0,95
Жисмоний юкламада хансираш мавжудлиги	21,3	26,8	20,6	1,44
Қуруқ, шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги йўтал мавжудлиги	27,8	30,45	17,98	2,9
Қачондир ташхисланган БА	4,3	5,27	1,91	1,43

Тадқиқот вазифасига мос равишда 5 ёшгача болалар ота-оналарини сўровнома ўтказган. Танлов талабларига мувофиқ тадқиқотга 2 дан 5 ёшгача болалар киритилган. Сўровномани мактабгача болалар муассасаларида ўтказилган ва уларни ота-оналар тўлдирди.

Сўровномада 2300 боланинг ота-онаси қатнашган. Сўровнома натижалари бўйича 278 (12%) ота-она БА симптомларига нисбатан саволларга ижобий жавоб беришган.

Сўровнома ёрдамида олинган астмасимон симптомлар ҳамда клиник ташхисланган БА таққосланганда эрта ёшдаги болалар орасида кеч гиподиагностика ҳақиқатини тасдиқлайди.

Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи 5 ёшгача болалар орасида БА тарқалишига нисбатан биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотларда касаллик гиподиагностикасини аниқланди. 5 ёшгача болаларда клиникасида БА нинг йўтал шакли устунлик қилган.

4-жадвал

Худудга боғлиқ модификацияланган сўровнома маълумотлари бўйича 13-14 ёшдаги болаларда симптомлар сони, (%да)

Касаллик симптомлари	Болалар умумий сони n=502			
	Ангрэн (n=170)	Олмалик (n=175)	Чирчик (n=137)	Қибрай (n=20)
Симптомлар сони				
Қачондир хуштаксимон нафас	33,8	34,8	27,3	3,8
Охирги йилда хуштаксимон нафас	29,7	24,2	20,3	2,3
Хуштаксимон нафас хуружлари сони:				
1 дан 3 гача	11,95(60)	14,9(75)	13,3(68)	2,39(12)
4 дан 12 гача	14,3(72)	11,9(60)	11,9(61)	0,39(2)
12 дан кўп	7,5(38)	7,9(40)	7,05(36)	-
Хуштаксимон нафас туфайли тунги уйку бузилиши	29,0	29,8(152)	20,6	3,1
Бўғиқ хуштаксимон нафас туфайли нутқ бузилиши	28,1	26,8	21,2	0,88
Жисмоний юкламада хансираш мавжудлиги	27,2	23,5	22,6	2,1
Қуруқ, шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги йўтал мавжудлиги	35,8	33,6	23,4	2,5
Қачондир ташхисланган БА	5,17	4,18	3,78	1,59

Диссертациянинг «Бронхиал астманинг эрта ташхисоти, даволашнинг қулайлаштирилиши усуллари» деб номланган тўртинчи

бобида текширилган болаларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари, БА билан касалланган болаларда лейкотриен рецепторлари ҳолатини ўрганиш натижалари баён қилинган.

Кузатувда БА билан касалланган 2 дан 16 ёшгача 220 бола бўлган. Кечиш оғирлиги бўйича болалар икки гуруҳга бўлинган: 140 бола интермиттик, 80 бола енгил персистик кечиш билан. Назорат гуруҳини ўхшаш ёшдаги 20 амалий соғлом болалар ташкил этган. Текширилган болалар оарсида ўғил болалар (56,3%) устунлик қилган.

БА интермиттик кечиши билан болалар текширилган ва асосан амбулатор шароитларда даволаш қабул қилинган; енгил персистик кечишли беморлар текширилган ва ТГА кўп тармоқли клиникаси аллергология бўлимида даволаш курсини қабул қилган.

Анамнезни ўрганиш аксарият кузатувдаги БА билан хасталанган болаларда (88%) аллергик касалликларга нисбатан наслий мойилликни аниқлашга имкон берган. Шундай қилиб, кузатилган беморларнинг ота-оналарнинг бирида 16% ҳолатда бронхиал астма, 25% - поллиноз, 25% - аллергик ринит, 20% - овқат аллергияси ва 14% - дори аллергияси қайд қилинган.

Аксарият беморлар (84%) анамнезида респиратор вирусли касалликлар, 87% болаларда текширувгача БА гиподинамикаси ўз ўрнига эга бўлган, улар турар жойи бўйича обструктив ва рецидивланувчи обструктив бронхит ташхислари бўйича кузатувда бўлган. 75% болалар ёндош патологияга эга бўлган. Ёшга боғлиқ ёндош патология фарқланган. 5 ёшгача болаларда энг кўп: темир танқис анемиялар – 45,4%, рахит – 19,6%, диатезлар – 43,8%, аллергик ринит – 40%, атопик дерматит – 34%.

3 ёшдан катта болаларда қуйидаги ёндош патологиялар кузатилган: сурункали гастродуоденит – 21,1%, вегетотомир дистонияси – 19,0%, сурункали гастрит – 8,9%, ўт йўллари дискинезияси – 11,1%. Оториноларинголог кўригида барча беморларда ЛОР-аъзолари патологияси ташхисланган: аллергик ринит - 40%, риносинусит - 36%, аденоидит - 22%, сурункали тонзиллит - 32%, 38% текширилган беморда овқат аллергияси, 22% ида – дори аллергияси белгилари аниқланган, улар ҳам БА келиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Барча БА ли болаларда нафас қийинлашуви ва йўтал асосан тунги вақтларда юзага келган, жисмоний ва рухий зўриқишда, совуқ ҳаво таъсирида кучайган. Ундан ташқари, 82,3% болаларда 5 ёшгача кўпинча ҳуруж эквивалентлари (ҳаво етишмаслиги ҳисси, қуруқ ҳуружсимон йўтал) қайд қилинган, улар ойига 1-3 марта такрорланган, давомийлиги 5 дан 10 минутгача бўлган, нафас қийинлашуви мустақил ёки бир марта бронхолитиклар қўллагандан кейин ўтиб кетган.

Саноат ҳудударида яшовчи болаларда БА кечиши ўзига хослиги шунда бўлганки, шароитни ўзгартириш касаллик сиптомлари анча тез йўқотилишига таъсир қилган.

БА интермиттик кечиши бўлган болаларда касаллик қайталаганда уларнинг аҳволи асосан қониқарли бўлган. Улар нафас қийинлашуви, ҳаво етишмаслиги, узоқ қуруқ йўталга шикоят қилган.

БА интермиттик кечиши бўлган болалар кўригида кўкрак кафаси томонидан ўзгаришлар аниқланмаган. Ўпка перкуссиясида қутисимон товуш кузатилган, аускультатив дағал нафас фонида узоқ нафас чиқариш билан қуруқ хуштаксимон хириллашлар эшитилган.

БА персистик кечиши бўлган болаларда хансираш узоқ нафас чиқариш билан, нафас актида ёрдамчи мушаклар қатнашувисиз кузатилган. Перкуссияда – перкутор товуш қутисимон тусда. Беморлар аускультациясида турли баландликдаги қуруқ хириллашлар икки томонлама эшитилган. Юрак томонидан юрак тонлари бўғиқлиги кузатилган.

Эхокардиографик текширувда БАенгил кечиши билан касалланган 47 (21,4%) беморда тахикардия қайд қиланган.

БА энгил кечиши билан касалланган 69 (31,4%) беморда ҳуруж даврида ўтказилган рентгенологик текширувда ўпка майдонлари тиниқлиги ошиши ҳамда бронх-томир манзараси кучайиши аниқланган.

Спирометрия ёрдамида 1-сониядаги жадаллашган нафас чиқариш тезлиги ҳажми (ЖНЧХ1) ўрганилган. ЖНЧХ1 – ҳаво оқими чекланишига баҳо беришда энг кўп такрорланадиган ва тез-тез фойдаланиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Спирометрияни 5 ёшдан катта 124 болада ўтказилди. Текширилганларнинг 10 (10,8%) тасида ЖНЧХ1 < 70% аниқланган.

БА интермиттик кечиши билан касалланган болаларда ҳатто ҳуруж даврида биринчи сонияда ЖНЧХ1 кўрсаткичи ишончли кузатилмади, шу билан бирга БА персистик кечиши бўлган болаларда кўрсаткичнинг ишончли ўзгариши ўз ўрнига эга бўлган ($p < 0,05$).

БА турли оғирликдаги кечиши бўлган беморларнинг периферик қони кўрсаткичларини ўрганишда зиддиятли ўзгаришлар аниқланган. Барча текширилган болалар касаллик ҳуружи даврида периферик қонида ишончли ўзгаришлар аниқланмаган, истосно эозинофиллар сони. Қондаги эозинофилия GINA (2018) бўйича, БА ни фенотиплашда муҳим роль ўйнайди ва келажакдаги касаллик асоратларининг хавф омили ҳисобланади. Адабиёт манбаларининг маълумотларига кўра, қонда эозинофиллар кенглиги 1-5% ни ташкил этади (Азизова Н.Д., 2019). Астма касаллиги бўлган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 2 дан 10% гачани ташкил қилган. БА персистик кечиши бўлган болаларда эозинофиллар миқдори БА интермиттик шакли бўлган болаларга нисбатан деярли 2 марта ошиши, ҳамда соғлом болаларга нисбатан деярли 5 марта ошиши кузатилган ($p < 0,001$).

Текширилган болаларда умумий IgE миқдори меъёрдан юқори миқдорларгача тебранишга эга бўлган. БА ли I гуруҳда умумий IgE миқдори 98-1056 МЕ/мл диапазонида медианаси 392,72 МЕ/мл, II гуруҳда 105-1120 МЕ/мл диапазонида, медиана миқдори 390,16 МЕ/мл. Кўрсаткич назорат гуруҳидан ишончли фарқ қилган ($p \leq 0,001$), бунда IgE медианаси 33,8 МЕ/мл, 12,1-95 МЕ/мл тебранишга эга бўлган. Текширув мобайнида умумий IgE ва БА оғирлиги орасида боғлиқлик аниқланилмаган.

БА бўлган 92 болалар пешобда суммар лейкотриенлар (C4D4E4) миқдори ўрганилган. БА интермиттик кечиши бўлган болаларда C4D4E4 миқдори 1,2 дан 6,2 нг/мл гача бўлиб, ўртача $2,7 \pm 0,14$ нг/мл (Ме-2,70) ни, БА персистик кечиши бўлган гуруҳда C4D4E4 миқдори 3,10 дан 12,50 нг/мл гача, ўртача – $6,8 \pm 0,48$ нг/мл (Ме-3,20) ни ташкил этган.

Олинган натижалар Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи болаларда БА патогенезида лейкотриен механизми мавжудлигидан далолат берган, бу эса БА кечишини сезиларли оғирлаштирган, бронхоспазм яққолроқ намоён бўлишига, йўтал симптомлари узоқ сақланишига ва ўпка функцияси пасайишига олиб келган. Бу бизнинг клиник текширув натижалари билан тасдиқланган.

